

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**ЭРГАШЕВ РУСТАМ РАЖАБОВИЧ**

**СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТ КЎЛАМИНИ**  
**ҚИСҚАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МЕХАНИЗМЛАРИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳар – 2022 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Эргашев Рустам Ражабович**

Солиқ сиёсатининг норасмий иқтисодиёт кўламини қисқартиришга қаратилган механизмларини такомиллаштириш..... 3

**Эргашев Рустам Ражабович**

Совершенствование механизмов налоговой политики, направленных на сокращение масштаба неформальной экономики..... 27

**Ergashev Rustam Rajabovich**

Improving the mechanisms of tax policy aimed at reducing the size of the informal economy..... 51

**Эълон қилинган илмий ишлари рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**ЭРГАШЕВ РУСТАМ РАЖАБОВИЧ**

**СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТ КЎЛАМИНИ**  
**ҚИСҚАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МЕХАНИЗМЛАРИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2020.1.PhD/Iqt1237 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ниязметов Исламбек Машарипович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Бурханов Ақтам Усманович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Жуманиязов Иномжон Тураевич**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» 10 куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисда бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (71) 239-28-72; факс (71) 239-43-51. E-mail: info@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1191 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (71) 239-28-72; факс (71) 239-43-51. E-mail: info@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «10.10.» куни тарқатилди.  
(2022 йил «10» 10 даги 47 -рақамли реестр баённомаси).



**М.П.Эшов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**У.В.Гафуров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**С.К.Худойкулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий семинар раиси иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётига кўра, аксарият мамлакатларда норасмий иқтисодиёт улуши паст бўлиши иқтисодий ўсиш суръатларининг нисбатан юқори бўлиши ва бюджет даромадларининг кўпайишига таъсир этмоқда. “Жаҳонда иқтисодиёт тенденцияси 1970 йиллардан давлат бошқарувига ва 1990 йиллардан бозор механизмларига асосланган тизимга ҳамда 2022 йил ҳолатида эса тобора интеграциялашган ва глобаллашган, шу билан бирга кўпгина мамлакатларда норасмий иқтисодиётнинг улуши устунлик қилаётган жаҳон иқтисодий ўсишига ўтилган”<sup>1</sup>. Норасмий иқтисодиёт улуши юқори бўлган мамлакатларда бюджет даромадларининг камайиши ва иқтисодий ўсишнинг пасайиши кўпроқ кузатилади. Бугунги кунда дунё тажрибасида ҳам яширин иқтисодиётнинг реал даражасини аниқлаш ва уни камайтириш мақсадида иқтисодий фаолиятни тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Бунда солиқ сиёсати иқтисодиётни тартибга солишдаги энг таъсирчан механизм сифатида норасмий иқтисодиётни жиловлаш мақсадларида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳукуматлар томонидан солиқ механизмлари орқали норасмий иқтисодиёт улушини камайтиришда истеъмол солиқлари ва даромад солиқларини такомиллаштириш ҳамда солиқ юкини оптимал даражада белгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида норасмий иқтисодиёт улушини камайтириш бўйича халқаро миқёсда доимий равишда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Жаҳон амалиётида сўнгги йилларда яширин иқтисодиёт даражасини камайтиришнинг самарали йўлларида бири сифатида кўпроқ молиявий механизмлардан фойдаланиш, хусусан, солиқ сиёсатининг норасмий иқтисодиётни самарали бошқариш ва уни камайтиришга қаратилган механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларига устуворлик берилмоқда. Бу борада норасмий иқтисодиётга шароит яратиб бераётган ҳолатларни аниқлаш, олдини олиш мақсадида аниқ ва оқилона қонун-қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда қонунчиликдаги мураккаб жараёнларни камайтириш, иқтисодиётни рақамлаштириш, солиқ маъмурчилигини юқори ахборот технологиялари асосида такомиллаштиришга доир илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мамлакатда соғлом рақобат муҳитини такомиллаштириш, солиқдан қочиш ҳолатларини олдини олиш, ҳалол ва виждонли солиқ тўловчилар улушининг ошиб боришига йўналтирилаётганлиги норасмий иқтисодиёт даражасини пасайтириш билан бирга, келгусида кутилаётган иқтисодий истиқболларга эришиш имкониятини янада оширади. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил

---

<sup>1</sup> I.Ngouhou, L. Njoya, S.Asongu, “Corruption, Economic Growth and the Informal Sector: Empirical Evidence from Developing Countries” African Governance and Development Institute, 2022, WP/22/014, P-3.

яқунига қадар камбағалликни камида 2 баробар қисқартиришга эришиш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда солиқ сиёсатининг яширин иқтисодий қисқартириш ва норасмий секторда бандликни камайтиришга қаратилган механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 30 декабрдаги ПФ-6098-сон “Яширин иқтисодий қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сон “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 июндаги 359-сон “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Норасмий иқтисодийнинг сабаблари ва унинг кўламини қисқартириш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар бир қатор хорижий экспертлар, хусусан, Feld, Friedman, Ioana, Johnson, Kaufmann, Kucera, Medina, Roncolato, Schneider, Shleifer, Zoido-Lobaton, Williams ва бошқалар томонидан амалга оширилган<sup>2</sup>.

Норасмий иқтисодий қисқартиришга қаратилган солиқ механизмларини ўзбекистонлик олимлар ва тадқиқотчилардан И.Жамолов, И.Ниязметов, А.Рахмонов, У.Сафаров ва бошқалар турли даражада тадқиқ қилган<sup>3</sup>.

Айнан солиқ механизми орқали хуфёна иқтисодий бартараф этиш масалалари бўйича тадқиқот олиб борган И.Жамолов ўзининг диссертациясида

---

<sup>2</sup> Johnson, S., Kaufmann, D., Shleifer, A., Goldman, M.I. & Weitzman, M.L. (1997). The unofficial economy in transition. *Brookings papers on economic activity* 1997(2): 159-239; Johnson, S., Kaufmann, D. & Zoido-Lobaton, P. (1998a). Regulatory discretion and the unofficial economy. *The American Economic Review* 88(2): 387-392; Friedman, E., Johnson, S., Kaufmann, D. & Zoido-Lobaton, P. (2000). Dodging the grabbing hand: The determinants of unofficial activity in 69 countries. *Journal of public economics* 76(3): 459-493; Kucera, D. & Roncolato, L. (2008). Informal employment: Two contested policy issues. *International Labor Review* 147(3): 321-348; Schneider, F. (2015). Size and development of shadow economy of 31 European and 5 other OECD countries from 2013 to 2014: Different developments? *Journal of Self-Governance and Management Economics* 3(4): 7-29; Schneider, F. (2010). The Influence of public institutions on the shadow economy: An empirical investigation for OECD countries. *European Journal of Law and Economics* 6(3): 441-468; Schneider, F. & Williams, C.C. (2013). *The Shadow Economy*. IEA, London; Ioana M. *The Effects of Economic Sanctions on the Informal Economy*. *Management Dynamics in the Knowledge Economy Vol.4* (4), 2016. P.623-648.

<sup>3</sup> Жамолов И.З. Хуфёна иқтисодий бартараф этишда солиқ механизмнинг таъсири: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Тошкент, 2005. С.3.; Ниязметов И.М. Солиқ тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизимини барқарорлигини таъминлаш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Тошкент, 2018.-230-231-б; Рахмонов А., Сафаров У. Комплаенс и административные проблемы механизма НДС Узбекистана / Общество и инновации. 2, 7/5 (авг. 2021), 113-137;

иқтисодиётнинг хуфёна сектори кўламининг кенгайиши оқибатлари ҳақида тўхталган<sup>4</sup>.

Норасмий иқтисодиёт кўламини қисқартиришда И.Ниязметов тадбиркорлик субъектларининг солиқ режимлари бўйича солиқ юкидаги номутаносибликни бартараф этиш, кўшилган қиймат солиғи механизмини тўғри йўлга қўйиш, даромадларни солиққа тортишнинг ижтимоий чегирмаларга асосланган ялпи декларациялаш тизимига ўтиш таклифларини ишлаб чиққан<sup>5</sup>.

Бирок, юқорида келтирилган илмий тадқиқот ишларида солиқ сиёсатининг норасмий иқтисодиёт кўламини қисқартиришга қаратилган механизмлари алоҳида ва яхлит тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Мазкур тадқиқотда солиқ механизмлари орқали норасмий иқтисодиёт даражасини камайтиришда Ўзбекистон солиқ сиёсатининг ҳозирги салоҳияти ва хусусиятлари эътиборга олинган бўлиб, бу танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ҳамда унда ҳал этиладиган масалалар доирасини белгилашда кенг имкониятлар яратади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** солиқ сиёсатининг норасмий иқтисодиёт ҳажмини қисқартиришга қаратилган механизмларини такомиллаштиришга доир илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

норасмий иқтисодиётнинг моҳияти, юзага келиш сабаблари ва таркибий элементларини ўрганиш;

норасмий иқтисодиётни солиқ воситасида жиловлашнинг назарий асосларини тадқиқ этиш;

норасмий иқтисодиётни келтириб чиқарувчи солиқ омилларини таснифлаш ва уларнинг таъсир даражасини таҳлил қилиш;

солиқлар воситасида норасмий иқтисодиёт кўламини қисқартиришнинг халқаро амалиётини таҳлил қилиш;

норасмий иқтисодиётни солиқ механизмлари воситасида жиловлаш бўйича Ўзбекистон амалиётини танқидий таҳлил қилиш;

норасмий иқтисодиёт кўламини рақамли технологияларга асосланган солиқ механизмлари орқали камайтириш йўллариини илмий жиҳатдан асослаш;

норасмий иқтисодиётни солиққа жалб қилишда истеъмолга солиқлар механизмидан самарали фойдаланиш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Ўзбекистонда солиқ сиёсатининг норасмий иқтисодиёт кўламини қисқартиришга қаратилган механизмлари ҳисобланади.

---

<sup>4</sup> Жамолов И.З. Хуфёна иқтисодиётни бартараф этишда солиқ механизмнинг таъсири: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2005. – 3-б.

<sup>5</sup> Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизимини барқарорлигини таъминлаш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Тошкент, 2018.- 53-б.

**Тадқиқотнинг предмети**ни норасмий иқтисодиётни жиловлашга қаратилган солиқ механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий- иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, кузатув, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил, эконометрик таҳлил ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

электрон тижорат субъектларининг Миллий реестрига киритилган солиқ тўловчилардан олинадиган фойда солиғи ставкасини 2 баробар пасайтириш орқали электрон савдо иштирокчиларининг давлат рўйхатидан ўтишини рағбатлантириш асосланган;

истеъмолчиларнинг расмий ҳисоб-китоб харид чеклари ва чекка тенглаштирилган ҳужжатларда кўрсатилган суммаларнинг бир қисмини қайтариб бериш амалиётини татбиқ этиш орқали иқтисодиётда норасмий пул айланмаларини камайтириш асосланган;

телекоммуникациялар операторлари ва провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатувчи кичик бизнес субъектларига солиқ юкини камайтиришда айланмадан солиқни фақат воситачилик ҳақи тарзидаги даромадларига нисбатан ва пасайтирилган ставкада қўллаш таклиф этилган;

яширин айланмаларнинг салмоғи юқори бўлган умумий овқатланиш соҳаси кичик тадбиркорлик субъектларининг нақдсиз ҳисоб-китоблар орқали олган даромадларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга мажбурий ўтишда ҳисобга олинувчи умумий даромад ҳажмига киритмаслик таклифи асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

норасмий иқтисодиётни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишда солиқ юкини оптималлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш лозимлиги амалий жиҳатдан асослаб берилган;

қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) самарадорлик кўрсаткичининг юқори даражаси норасмий иқтисодиёт улушининг паст даражасига мувофиқ бўлиши таҳлиллар натижасида исботланган;

онлайн НКМ ёки виртуал кассада қайд этилган маълумотларни сунъий тафаккур технологиялари асосида таҳлил қилиш солиқдан қочиш ҳолатларини олдиндан аниқлаш ва бартараф этиши мумкинлиги асосланган;

солиқ комплаенси харажатларини камайтириш, онлайн НКМ амалиётини кенг татбиқ этиш, солиқ органлари фаолиятига рақамли технологияларни чуқурроқ сингдириш яширин иқтисодиёт даражасини камайтириши эконометрик таҳлил асосида исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги, уларнинг расмий манбалардан олинганлиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг турли статистик усуллар ёрдамида баҳоланганлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар республикада норасмий иқтисодиёт улушини камайтириш бўйича қабул қилинган қонунчиликдаги устувор йўналишлар ва дастурларга мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан Ўзбекистон солиқ тизимининг норасмий иқтисодиёт кўламини қисқартиришга қаратилган механизмларини такомиллаштиришда, солиқ сиёсати стратегиясининг шу йўналишдаги илмий-назарий ва услубий аппаратини ишлаб чиқишда, шунингдек, илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялар мамлакатда норасмий иқтисодиёт улушини камайтириш, бюджет даромадларини ошириш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ҳамда шу муаммога доир кейинги илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан норасмий иқтисодиётни жиловлаш ва солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини эрта олдини олишга қаратилган йирик ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш тизимларини йўлга қўйишда, солиқ тизимида рақамли технологияларни қўллашни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Ишнинг илмий ва амалий натижаларидан, шунингдек, олий таълим муассасаларида «Давлат солиқ сиёсати», «Солиқлар ва солиққа тортиш» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Солиқ сиёсатининг норасмий иқтисодиётга қарши курашишга қаратилган механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

электрон тижорат субъектларининг Миллий реестрига киритилган солиқ тўловчиларга фойда солиғи ставкасини пасайтириш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755-сонли Фармонида ўз аксини топган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 25 январдаги 04-11/457-сонли маълумотномаси). Таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида Электрон тижорат субъектларининг миллий реестрига киритилган солиқ тўловчиларга фойда солиғини 7,5 фоиз ставкада тўлаш имконияти берилганлиги норасмий пул айланмаларининг солиқ ҳисобига олинishiга хизмат қилган;

истеъмолчиларнинг расмий ҳисоб-китоб харид чеклари ва чекка тенглаштирилган ҳужжатларда кўрсатилган суммаларнинг бир қисмини қайтариб бериш амалиётини татбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сонли Қарорида ўз аксини топган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 25 январдаги 04-11/457-сонли маълумотномаси). Таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида чакана савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширган ва ушбу харидни солиқ органларининг махсус мобиль иловасида рўйхатдан ўтказганларга ўша харид суммасининг 1 фоизи бюджетдан қайтарилмоқда ҳамда бу истеъмолчилар томонидан тўловларни расмий тарзда амалга оширилишини таъминлашига эришилган;

телекоммуникациялар операторлари ва провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатувчи кичик бизнес субъектларига солиқ юкини

камайтиришда айланмадан солиқни фақат воситачилик ҳақи тарзидаги даромадларига нисбатан ва пасайтирилган ставкада қўллаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755-сонли Фармонида ўз аксини топган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 25 январдаги 04-11/457-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида йиллик тушуми юз миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан кўп бўлмаган телекоммуникациялар операторлари ва (ёки) провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар хизмат ҳақи суммасидан 25 фоиз ставкада ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши орқали бундай фаолиятдаги норасмий тушумларни солиқ базасига киритиш имконияти ва солиқ солишдаги адолат мезонлари таъминланган;

яширин айланмаларнинг салмоғи юқори бўлган умумий овқатланиш соҳаси кичик тадбиркорлик субъектларининг нақдсиз ҳисоб-китоблар орқали олган даромадларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга мажбурий ўтишда ҳисобга олинувчи умумий даромад ҳажмига киритмаслик таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6098-сон “Яширин иқтисодий қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида ўз аксини топган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 25 январдаги 04-11/457-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида умумий овқатланиш соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектларининг банк карталари ва контактсиз тўловлардан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслардан олинган даромадлари умумбелгиланган солиқларни тўлашга мажбурий тартибда ўтиш мақсадида умумий даромадга киритилмаслиги белгиланиб, мазкур соҳада норасмий тўловларни расмий тарзда амалга оширишга ўтилиши рағбатлантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 10 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, шундан 4 таси республика ва 3 таси нуфузли хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 12 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, 7 та параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ҳолда 156 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён

қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Норасмий иқтисодиёт шаклланиши шарт-шароитлари ва уни солиқ воситасида жиловлашнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида норасмий иқтисодиётнинг моҳияти, юзага келиш сабаблари ва таркибий элементлари, солиқ сиёсатининг норасмий иқтисодиёт билан боғлиқ механизмлари, шунингдек, норасмий иқтисодиётни солиқ воситасида жиловлашнинг назарий асослари тадқиқ этилган.

Норасмий иқтисодиёт дунё миқёсида кўпдан бери ўрганилаётган масала ҳисоблансада, XX асрнинг охирида уни ўрганиш бўйича илмий ишлар оммалашди. Аммо шундай бўлсада, мазкур йўналишда нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда амалга оширилган илмий ишлар ҳам етарли даражада эмас.

Норасмий иқтисодиёт бўйича хорижий олимлар томонидан 1930 йиллардан сўнг илмий изланишлар бошланиб, 1970 йилларнинг охирида йирик тадқиқот лойиҳалари предметига ҳамда 1980 йиллардан халқаро конференциялар мавзусига айланди. 1980 йилда БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси доирасида Евростатда яширин иқтисодиёт масалалари бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этилган. Аммо шу пайтга қадар норасмий иқтисодиётнинг ягона умумий таърифи ишлаб чиқилмаган. Шундай бўлсада, замонавий адабиётда иқтисодиётнинг норасмий секторини "соя иқтисодиёти", "норасмий иқтисодиёт", "ноқонуний иқтисодиёт", "яширин иқтисодиёт", "жиноий иқтисодиёт", "иккинчи иқтисодиёт", "кулранг иқтисодиёт" ва шу каби бошқа номларда учратиш мумкин.<sup>6</sup>

Халқаро валюта жамғармасининг 2018 йилда эълон қилинган “Дунёдаги яширин иқтисодиётлар” номли тадқиқотига кўра норасмий иқтисодиёт ўзида пул, тартибга солиш ва институционал мақсадларга кўра расмий ҳокимиятдан яширин бўлган барча кўринишдаги иқтисодий фаолиятни акс эттиради.<sup>7</sup>

Бунда, пул билан боғлиқ мақсад солиқ ва ижтимоий таъминот учун ажратмаларни тўлашдан бўйин товлашни, тартибга солиш мақсади ҳукумат бюрократияси ёки қонун ҳужжатларига бўйсунмасликни, институционал мақсад эса коррупциялашган сиёсий институтлар ва саёз ҳуқуқий базани ўз ичига олади.

Халқаро валюта жамғармасининг ушбу тадқиқот ишида 1991 йилдан 2015 йилга қадар бўлган даврда 158 та давлат маълумотлари асосида норасмий иқтисодиётни баҳолашнинг мавжуд ва янги усуллари орқали натижалар олинган бўлиб, ушбу даврда мамлакатлар бўйича ўртача қиймат 31,9 фоизни ташкил этган. Бунда норасмий иқтисодиётнинг энг юқори улуши Зимбабве (60,6 фоиз) ва Боливияга (62,3 фоиз) тўғри келган. Энг қуйи кўрсаткичлар эса Австрия (8,9 фоиз) ва Швецарияда (7,2 фоиз) кузатилган.<sup>8</sup>

Шунингдек, Medina ва Schneiderнинг 158 та мамлакат кесимида 1991-2015 йиллар бўйича ўтказган тадқиқотларига кўра 2007 йилгача барқарор

<sup>6</sup> Седова Н.Н. Неформальная экономика в теории и российской практике // Общественные науки и современность. 2002, № 3.

<sup>7</sup> Medina L., Schneider F., Shadow Economies Around the World: What Did We Learn Over the Last 20 Years?// IMF Working Paper, 2018, WP/18/17.

<sup>8</sup> Medina L., Schneider F., Shadow Economies Around the World: What Did We Learn Over the Last 20 Years?// IMF Working Paper, 2018, WP/18/17, Б-76.

пасайиб келган хуфёна иқтисодиёт даражаси 2009 йилдан 108 та мамлакатда кўтарилиб кетган. Шунингдек, жами 158 та мамлакат бўйича 2007 йилда хуфёна иқтисодиёт кўрсаткичи ўртача 29,69 фоизни ташкил қилган бўлса, 2008 йилда 28,98 фоиз ва 2009 йилда 30,56 фоизга кўтарилган. Бундан кўринадики, айнан 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин дунё мамлакатларининг аксарият кўпчилигида яширин иқтисодиёт даражаси ошган.<sup>9</sup>

Бу иқтисодий инқирозлар шароитида мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт улуши янада ошиши мумкинлигини кўрсатади. Бунинг сабабини қуйидагиларда ифодалаш мумкин:

инқироз шароитида иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва соҳаларида фаолиятнинг тўхташи ёки сустлашиши натижасида корхоналарнинг ўзгармас (доимий) харажатлари, шу жумладан ўзгармас солиқларини қоплаш зарурати;

бизнес ҳамкорларининг фаолияти тўхташи ва (ёки) таъминот бозорини йўқотиш оқибатида корхоналар фойда меъёрининг қисқариб кетиши;

ишчиларга мажбурий отгуллар берилиши ёки ишдан бўшатилиши муносабати билан уларга ишланмаган вақт учун пул ёки маълум муддатгача ишсизлик нафақасини тўлаш харажатларини қоплаш зарурати;

ишсиз қолган фуқаролар ёки бозори касод бўлган якка тадбиркорларнинг тирикчиликни таъминлашга бўлган ҳаракати ва бошқалар.

Шунингдек, ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, хуфёна иқтисодиёт ривожланишига қуйидаги асосий омиллар сабаб бўлиши мумкин (1-жадвалга қаранг).

#### 1-жадвал

#### Хуфёна иқтисодиётнинг ривожланишига сабаб бўлувчи асосий омиллар<sup>10</sup>

	Омиллар	<u>1-вариант</u> 12 та тадқиқот (%)	<u>2-вариант</u> 22 та эмпирик тадқиқот (%)
1	Солиқ юки	35-38	45-52
2	Солиқ маданияти	22-25	-
3	Ҳукумат фаолиятининг сифати	10-12	12-17
4	Меҳнат бозори ҳолати	7-9	7-9
5	Пул ўтказмалари ҳолати	5-7	7-9
6	Давлат секторининг хизматлари	5-7	7-9

1-жадвалга кўра, солиққа тортишнинг юқори даражаси ҳар иккала тадқиқот натижасида ҳам яширин иқтисодиётнинг ривожланишига асосий сабаблардан эканлиги аниқланган. Солиқ омили мамлакатда хуфёна иқтисодиёт даражасини ошишига 35-50 фоиз даражада таъсир қилиши маълум бўлган. Бундан норасмий иқтисодиёт кўлами мамлакат солиқ тизими ҳамда солиқ маъмурчилигининг ҳолатига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги ойдинлашади. Чунки, айнан ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида, яъни солиқ тизими ва солиқ

<sup>9</sup> L.Medina, F. Schneider. Shadow Economies Around the World: What Did We Learn Over the Last 20 Years?// International Monetary Fund. WP/18/17. 2018 й.

<sup>10</sup> Schneider F., Williams C.C. The Shadow Economy. The Institute of Economic Affairs, London 2013. P. 44

маъмурчилиги лозим даражада такомиллашмаган мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт кўлами каттароқ бўлади.

Мамлакатнинг иқтисодий шарт-шароитларига мувофиқ ишлаб чиқилган солиқ сиёсати солиқ органларига ўз вазифаларини, яъни қонунга мувофиқ тўланиши лозим бўлган солиқ ва йиғимларни солиқ тизими ва унинг маъмурчилигига бўлган ишончни йўқотмаган ҳолда ундириш имконини беради.

Хорижий ва миллий иқтисодчилар томонидан ўтказилган илмий ўрганишлар норасмий иқтисодиётнинг солиқ сиёсати ва маъмурчилиги орқали тартибга солинадиган омиллари асосан солиқ комплаенси билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. ИХТТга аъзо ва ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларининг тажрибаси солиқ комплаенсини яхшилашда солиқ юкига таъсирчан соҳа ва фаолият турларини турли солиқ механизмлари орқали рағбатлантириш ва солиқ маъмурчилигини илғор ахборот технологиялари асосида такомиллаштириш каби иккита йўналишда ишлар амалга оширилганлигини кўрсатади.

Норасмий иқтисодиётнинг солиқ комплаенси билан боғлиқ омиллари ва уларни бартараф этишда тажрибаси ўрганилган мамлакатлар томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар 1-расмда жамланган.

1-расмга асосан норасмий иқтисодиётда шаклланган ёки унга оқиб ўтган даромадларни ҳам маълум даражада солиққа жалб қилиш мумкин бўлиб, бунинг учун икки хил йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.<sup>11</sup>

иқтисодий, шу жумладан солиқ қонунчилиги рамкасини кенгайтириш;  
давлатнинг амалдаги солиқ механизмлари ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш.

Диссертациянинг **“Норасмий иқтисодиёт кўламини солиқ сиёсати механизмлари воситасида жиловлашнинг халқаро ва миллий амалиёти таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида солиқлар воситасида норасмий иқтисодиёт кўламини қисқартириш борасида хорижий давлатларда амалга ошириб келинган ишлар, Ўзбекистонда норасмий иқтисодиёт ҳолати, юзага келиш сабаблари ўрганилган, шунингдек, яширин иқтисодиёт кўламини ошишига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этишда амалга оширилган чора-тадбирлар таъсири эмпирик жиҳатдан таҳлил қилинган ҳамда хулосалар асослаб берилган.


Диссертация ишида норасмий иқтисодиёт кўламини солиқ механизмлари воситасида жиловлаш бўйича Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)га аъзо мамлакатлар ва ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари тажрибаси ўрганилган. Хорижий мамлакатлар тажрибаси бу борада билвосита солиқ механизмлари, жумладан ҚҚС катта аҳамият касб этишини кўрсатади.

Хусусан, Schneider ва Buehn томонидан амалга оширилган ИХТТга аъзо 38 та мамлакатни қамраб олган эконометрик таҳлиллар билвосита солиқлар ва даромад солиқлари яширин иқтисодий фаолият юритишнинг асосий сабабларидан эканлигини кўрсатади. Муаллифларнинг ҳисоб-китобларига кўра хуфёна

---

<sup>11</sup> Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизимини барқарорлигини таъминлаш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Тошкент, 2018.- 230-231-б.

иқтисодиёт ҳажмининг 29,4 фоизини эгри солиқлар (айланмадан солиқ ёки ҚҚС) ва 13 фоизини даромад солиғи билан изоҳлаш мумкин.<sup>12</sup>




**1-расм. Солиқ комплаенсига таъсир этувчи омиллар ва мамлакатлар томонидан уни яхшилашга қаратилган солиқ механизмлари<sup>13</sup>**

<sup>12</sup> Schneider, F. and A. Buehn (2012a), "Shadow Economies in Highly Developed OECD Countries: What Are the Driving Forces?", IZA Discussion Paper no. 6891.

ҚҚС кенг солиқ базасига эга бўлиши ва чакана савдо босқичига қадар етиб бора олиши ҳамда у орқали ҳисоб-фактураларни мониторинг қилиш имкониятининг мавжудлиги савдо муносабатларида солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан самарали назорат қилиш имконини беради<sup>14</sup>. Бу ўз навбатида нафақат ҚҚС, балки бошқа солиқларнинг ҳам ҳисобланиши ва тўланиши устидан самарали назорат қилиш ҳамда солиқ маъмурчилиги сабабли юзага келиши мумкин бўлган яширин иқтисодиётга қарши курашиш имконини беради.

Бундан кўрамизки, ҚҚС самарадорлик кўрсаткичи юқори бўлган мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт ҳажми нисбатан пастроқ.



**2-расм. ИХТТга аъзо мамлакатлардаги яширин иқтисодиёт ва ҚҚС самарадорлиги ҳолати <sup>15</sup>**

ҚҚСнинг йиғилувчанлик салоҳиятини оширишда ушбу мамлакатлар томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар асосан солиқ комплаенсини яхшилашга қаратилган бўлиб, бу чора-тадбирлар нафақат ҚҚС, балки бошқа солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини яхшилашга ҳамда яширин иқтисодиёт ҳажмини қисқартиришга хизмат қилади.

3-расмда солиқ комплаенсини яхшилаш мақсадида ИХТТга аъзо мамлакатлар ва бошқа хорижий мамлакатлар томонидан солиқ юкини камайтириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ислохотлар йўналишлари ҳамда яширин иқтисодиётга қарши курашишда кенг қўлланилиб келинаётган солиқ инструментлари жамланган.

ИХТТ мамлакатлари тажрибаси дастлабки эътиборни солиқ юкини оптималлаштиришга қаратишни кўзда тутди. Бу солиқ тизими фаолияти адолатлилик ва тенглик тамойилларига асосланганлигига ишончни кучайтиради. Бу, ўз навбатида, инсофли солиқ тўловчиларга, солиқ юки сабабли хуфёна фаолият юритаётган ва унга ўтишни мақсад қилган ҳамда фаолиятини тўхтатишга


<sup>13</sup> Муаллиф томонидан тузилган

<sup>14</sup> Liam Ebrill, Michael Keen, Jean-Paul Bodin, and Victoria Summer, *The Modern VAT* // Washington, D.C. International Monetary Fund. ISBN 1-58906-026-1. 2001.

<sup>15</sup> Leandro Medina and Friedrich Schneider. *Shadow Economies Around the World: What Did We Learn Over the Last 20 Years?* // IMF Working Paper WP/18/17. 2020.

қарор қилмоқчи бўлган бизнес субъектларига расмий иқтисодиётдаги муҳитни жозибадор қилишга ёрдам беради.

Бу йўналишдаги сиёсатлар асосан солиқ юкига таъсирчан соҳаларни бошқаришда кенг қўлланилади. Чунки, солиқ юкининг ошиши баъзи соҳалар учун норасмий иқтисодиёт жозибадорлигини оширади.



**3-расм. ИХТТга аъзо ва бошқа хорижий мамлакатларда солиқ сиёсатининг яширин иқтисодиётни қисқартиришга қартилган механизмлари<sup>16</sup>.**

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган.




Хорижий мамлакатларда бу йўналишдаги ислохотлар асосан солиқ маъмурчилигидаги барча жараёнларни рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш ва бу орқали солиқ мониторинги ҳамда назоратини сунъий интеллектга боғлашни ўз ичига олди.

ҚҚС ҳамда бошқа солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини олдини олиш мақсадида Жанубий Корея йирик ҳажмдаги маълумотларни (Big Data) илғор технологияларга асосланган “Data mining” (маълумотларни топиш), “Data matching” (маълумотлар мослигини таққослаш), “Data Analysis and Data Analytics” (маълумотлар таҳлили ва аналитикаси) ва сунъий интеллектга асосланган “Artificial Neural Networks” (Сунъий нейрон тармоғи) технологиялари асосида таҳлил қилиш имконини берадиган Early Warning System (эрта огоҳлантириш) тизимини ишлаб чиққан.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда яширин иқтисодиётнинг даражаси бирор халқаро рейтингларда акс этмаган. Бу борадаги маълумотлар 2018 йилга қадар тегишли вазирликлар томонидан берилган маълумотлар доирасида чекланган бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан кўпроғини ташкил этиши ва бу ўз навбатида иқтисодиётнинг ривожланишига ҳамда бюджет тушумларига ҳалал бераётганлиги маълум қилинган.<sup>17</sup>

Ўзбекистон учун норасмий иқтисодиёт ҳажмини ҳисоблаш бўйича кенг қамровли биринчи изланиш 2018 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД) томонидан амалга оширилди. Ушбу тадқиқотда МІМІС (Multiple Indicator and Multiple Cause) модели асосида мамлакатимиздаги норасмий иқтисодиёт ҳажми ҳисобланган. Тадқиқот натижалари 4-расмда акс этирилган.



**4-расм. Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт ҳажми (ЯИМ, %) <sup>18</sup>**

4-расмдан кўрамизки, Ўзбекистонда сўнги йилларда норасмий иқтисодиёт ҳажми ЯИМнинг 50 фоизидан юқори бўлиб келган ва 2018 йилда бу кўрсаткич 51,7 фоизни ташкил этган. Тадқиқотлар хуфёна иқтисодиётнинг юқори даражасига сабаб бўлаётган омиллар асосан солиқ юкининг оғирлиги ва солиқ маъмурчилигининг заифлиги билан боғлиқлигини кўрсатади.

<sup>17</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2018/01/12/yashirin-iqtisodiyot/>

<sup>18</sup> Программа развития Организации Объединённых Наций Теневая экономика в Узбекистане: причины, масштабы и пути сокращения. Аналитический доклад. ПРООН, 2018 (www.undp.org)

Норасмий иқтисодиётни келтириб чиқарувчи омиллар ва уларни бартараф этиш бўйича қилинган ишларнинг таъсирини чуқурок таҳлил қилиш мақсадида эмпирик таҳлилларни амалга оширдик.

Таҳлиллар норасмий иқтисодиётга ўтиш учун сабаб бўлаётган омиллар ва шарт-шароитларни аниқлашда 2004-2015 йиллар давомида 44 мамлакат (34 та ИХТТ ва 10 та МДХ мамлакатлари) кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Эконометрик таҳлилдан фойдаланиш учун норасмий иқтисодиёт улуши ва унга таъсир этувчи омиллар қуйидаги кўрсаткичлар орқали таснифланди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

### Яширин иқтисодиёт ва унга таъсир этувчи омиллар таснифи<sup>19</sup>

Кўрсаткичлар номи ва қисқартма белгилари	Қисқача таърифи ва манбаси	Кутилаётган натижа
<b>Тобе ўзгарувчи (<math>Y_{it}</math>)</b>		
Норасмий иқтисодиёт ҳажми ( $SE$ )	Норасмий иқтисодиётнинг улуши ЯИМдаги улуши (%да). Манба: Medina ва Schneider (2018); ПРООН (2018).	
<b>Асосий ўзгарувчилар, (<math>X_{it}</math>)</b>		
Start-up харажатлари ( $CS$ )	Бизнесни расмийлаштириш билан боғлиқ барча харажатлар, аҳоли жон бошига ЯИМнинг улуши сифатида (%да). Манба: Жаҳон банки (worldbank.org)	+
Комплаенс харажатлари ( $CC$ )	Солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ вақт сарфи индекси. (0 – паст; 10 - юқори) Манба: Fraser Institute (fraserinstitute.org)	+
Солиқ юки ( $TB$ )	Фойдадан ундириладиган жами солиқ ва мажбурий тўловлар ставкасининг йиғиндиси (%). Манба: Жаҳон банки (worldbank.org)	+
Ахборот- коммуникация технологиялари ( $ICT$ )	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожланганлик даражаси индекси (1 - паст; 50 - юқори). Манба: UNCTAD (unctad.org)	-
Э-фактура ( $EI$ )	Электрон ҳисобварақ-фактура амалиёти жорий этилган давр (1) ва жорий этилмаган даврларни (0) акс эттирувчи кўрсаткич. Манба: Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида шакллантирилди.	-
<b>Назорат қилувчи (<i>controlling</i>) ўзгарувчилар, (<math>Z_{it}</math>)</b>		
Коррупция назорати ( $CC$ )	Мамлакатдаги коррупция даражасининг ўлчови индекси (-2.5 – заиф; 2.5 – кучли)	-
Даромадлар даражаси ( $IL$ )	Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ улуши (%да). Манба: Жаҳон банки (worldbank.org)	-
Таълим даражаси ( $EL$ )	Ўрта таълимга қабул даражаси, таълим олиш ҳуқуқига эга бўлган барча болалар сонига нисбатан (%да). Манба: Жаҳон банки (worldbank.org)	-

<sup>19</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилди

Юқорида танлаб олинган ўзгарувчиларнинг норасмий иқтисодиёт улушига таъсирини таҳлил қилишда қуйидаги бошланғич тенглама (1) шакллантирилди:

$$Y_{it} = \alpha + \beta X_{it} + \delta Z_{it} + \varepsilon_{it} \quad (1)$$
$$i = 1, 2, 3, \dots, N$$
$$t = 2015, 2016, \dots, T$$

бунда,

$Y_{it}$  –  $t$  мамлакатда  $i$  йилда мавжуд норасмий иқтисодиёт ҳажми;  $\alpha$  – кесишиш нуқтаси (*intercept*);  $\beta$  ва  $\delta$  коэффициентлар;  $X$  – асосий ўзгарувчилар;  $Z$  – назорат қилувчи (*controlling*) ўзгарувчилар тўплами;  $\varepsilon_{it}$  – стандарт хатоликни (*composite error term*) акс эттиради.

Таҳлилларни амалга оширишда Ordinary Least Squares (OLS), Fixed Effects (FE) ва Random Effects (RE) моделларидан фойдаланилган бўлиб, Hausman ва Breusch and Pagan Lagrangian multiplier тестлари Fixed Effects (FE) моделини бизнинг маълумотлар тўплами хусусиятига энг мос модел эканлигини кўрсатди (6-жадвалга қаранг).

Fixed Effects (FE) модели ихтиёрий ўзгарувчилар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик мавжуд эмаслигини тахмин қилади ва мамлакатларнинг ўзига хослигини ҳисобга олмасдан фақат омилларнинг вақт ўтиши билан норасмий иқтисодиёт улушига қандай таъсир қилиши мумкинлигини кўриб чиқишга имкон беради.

Шунингдек, мавжуд “ҳетероскедастиклик” муаммосини бартараф этиш мақсадида robust спецификацияси танланди (5-жадвалга қаранг).

6-жадвалдаги таҳлилар натижаларидан кўришимиз мумкинки асосий ўзгарувчилар ( $X$ ), жумладан start-up харажатлари, комплаенс харажатлари, солиқ юки, ахборот-коммуникация технологиялари, е-фактура ва коррупция назорати статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, 3-жадвалда келтирилган кутилаётган натижалар билан мувофиқдир.

Диссертациянинг **“Норасмий иқтисодиёт кўламини қисқартиришга қаратилган солиқ механизмларини такомиллаштириш йўллари”** деб номланган бобида норасмий иқтисодиётни солиқ механизмлари воситасида жиловлаш бўйича Ўзбекистон амалиёти ўрганилди, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар шакллантирилди.

Солиқ комплаенсини яхшилаш борасида Ўзбекистон солиқ сиёсати ва маъмурчилигида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг норасмий иқтисодиёт улушини қисқартиришдаги самараси кутилган натижаларни бермаган.

Бу хулосамизни изоҳлаш учун солиқ комплаенси даражасини белгиловчи тўрт компонент, жумладан, солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, солиқ ҳисоботларини ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри тақдим этиш ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш каби кўрсаткичларнинг республика бўйича ҳолатини кўриб чиқамиз (5-расмга қаранг).

Норасмий иқтисодиётнинг омиллари регрессион таҳлил натижалари<sup>1</sup>

Ўзгарувчилар	Барча мамлакатлар			ИХТТ мамлакатлари			МДХ мамлакатлари		
	OLS	Random Effect	Fixed Effect	OLS	Random Effect	Fixed Effect	OLS	Random Effect	Fixed Effect
Start-up харажатлари	0.008 (0.009)	0.008*** (0.002)	<b>0.008***</b> <b>(0.002)</b>	0.019*** (0.005)	0.011*** (0.002)	<b>0.011***</b> <b>(0.002)</b>	0.129* (0.114)	0.129*** (0.114)	<b>0.045***</b> <b>(0.040)</b>
Комплаенс харажатлари	0.020 (0.310)	0.384*** (0.131)	<b>0.365***</b> <b>(0.131)</b>	0.633*** (0.209)	0.233** (0.126)	<b>0.198**</b> <b>(0.126)</b>	0.535** (0.822)	0.535* (0.822)	<b>0.166*</b> <b>(0.644)</b>
Солиқ юки	0.115*** (0.027)	0.025* (0.015)	<b>0.032**</b> <b>(0.015)</b>	-0.017 (0.019)	0.011* (0.018)	<b>0.004**</b> <b>(0.019)</b>	0.247*** (0.071)	0.247*** (0.071)	<b>0.078**</b> <b>(0.048)</b>
АКТ	-0.351*** (0.066)	-0.318*** (0.039)	<b>-0.304***</b> <b>(0.039)</b>	-0.053 (0.044)	-0.205*** (0.036)	<b>-0.202***</b> <b>(0.037)</b>	-0.014 (0.176)	-0.014 (0.176)	<b>-0.675***</b> <b>(0.198)</b>
Э-фактура	-0.986 (0.994)	-0.800** (0.322)	<b>-0.775**</b> <b>(0.322)</b>	1.489** (0.617)	-0.562* (0.310)	<b>-0.539*</b> <b>(0.305)</b>	-3.009* (3.009)	-3.009** (3.009)	<b>-1.611**</b> <b>(1.156)</b>
Коррупция назорати	-8.560*** (0.449)	-5.624*** (0.488)	<b>-5.054***</b> <b>(0.549)</b>	-7.106*** (0.375)	-3.639*** (0.463)	<b>-2.728***</b> <b>(0.556)</b>	19.229*** (2.642)	19.229*** (2.642)	<b>-10.572***</b> <b>(1.808)</b>
Даромадлар даражаси	-0.019 (0.093)	-0.146*** (0.020)	<b>-0.147***</b> <b>(0.020)</b>	-0.198*** (0.062)	-0.142*** (0.020)	<b>-0.141***</b> <b>(0.020)</b>	-0.112 (0.183)	-0.112 (0.183)	<b>-0.156***</b> <b>(0.053)</b>
Таълим даражаси	-0.127*** (0.028)	-0.014 (0.012)	<b>-0.016</b> <b>(0.013)</b>	-0.092*** (0.017)	-0.002 (0.011)	<b>-0.001</b> <b>(0.011)</b>	-0.037 (0.157)	-0.037 (0.157)	<b>-0.179</b> <b>(0.109)</b>
Constant	25.933*** (3.439)	31.499*** (2.286)	<b>29.935***</b> <b>(2.079)</b>	11.632*** (2.138)	25.408*** (2.054)	<b>24.466***</b> <b>(2.081)</b>	52.552*** (17.363)	52.552*** (17.363)	<b>27.494**</b> <b>(12.334)</b>
Кузатувлар сони	382	382	<b>382</b>	329	329	<b>329</b>	53	53	<b>53</b>
Мамлакатлар сони	44	44	<b>44</b>	34	34	<b>34</b>	10	10	<b>10</b>
R-squared	0.646	0.592	<b>0.472</b>	0.635	0.509	<b>0.357</b>	0.704	0.703***	<b>0.786</b>
F-statistics	84.92***	354.32***	<b>37.26***</b>	69.61***	196.55***	<b>19.98***</b>	13.07***	104.58***	<b>17.48***</b>
Cook-Weisberg тести	105.48***			19.86***			25.69***		
Breusch and Pagan LM тести		1115.80***			853.02***			102.93***	
Hausman тести			<b>14.99**</b>			<b>6.82***</b>			<b>1272.82***</b>

«Robust» стандарт хатоликлар қавсда () берилган.

\*\*\* - аҳамиятлилик даражаси  $p < 0.01$  (99%); \*\* - аҳамиятлилик даражаси  $p < 0.05$  (95%); \* - аҳамиятлилик даражаси  $p < 0.1$  (90%).

<sup>1</sup>Breusch va Pagan LM тест:  $H_0 - OLS$  модели мос. <sup>2</sup>Hausman тест:  $H_0 - RE$  модели мос. <sup>3</sup>Cook-Weisberg тест -  $H_0 -$  ҳетероскедастиклик мавжуд эмас.

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан STATA дастурида ҳисобланди



